

БАЧАДОНДАН АНОМАЛ ҚОН КЕТИШИ БИЛАН КЕЛГАН БЕМОРЛАРДА ЗАМОНАВИЙ ТАШХИСЛАШ

Абдиназарова И.С.

Тошкент Тиббиёт Академияси онкология кафедраси

ассистент PhD. Gmail: abdinazarova92@mail.ru

Аннотатция: Хозирги кунда бачадон эндометрий қаватидан намуна олишнинг турли хил усуллари мавжуд аммо Республикамиз миқёсида бачадон танаси саратонига шубҳа билан келган беморлардан фақатгина кюретка ёрдамида биопсия олинади(1). Замонавий тиббиётда эса кундан кун янгича усуллар амалиётга тадбиқ қилиниб келинмоқда. Улардан бири Pipelle урогенитал зондининг бачадондан аномал қон кетганда қирма олишнинг ананавий кюреткага нисбатан самарадорлигини ва диагностик аниқлигини баҳолаш муҳим аҳамиятга эга(2,3).

Калит сўзлар: гистология, менопауза, Pipelle, кюретаж, эндометрий, саратон, пременопауза.

Тадқиқотнинг мақсади. Бачадондан аномал қон кетганда қирма олишнинг замонавий инструментал усулларида бири Pipelle-урогенитал зондининг авзалликлари ва морфологик текшириш усуллари тақомиллаштириш ва уларни самарадорлигини ошириш.

Материал ва тадқиқот усуллари. РИО ва РИАТМТШФ Маслаҳат поликлиникасига 2021-2024 йилларда бачадондан аномал қон кетган, жинсий йўллардан қонли ажралмалар билан шикоят қилган, инструментал текширувлар хулосасида бачадон танаси саратонига шубҳа қилинган 244 та беморлар 4 гуруҳга ажратилиб, тўлиқ ташхисланди.

Тадқиқотнинг натижалари. Тадқиқотимиз давомида биопсия олиш вақтида энг кўп учровчи шикоятлардан бири бу оғриқ ҳисобланади. Беморларда оғриқ шкаласини балларда ифодалаш орқали оғриқнинг намоён бўлиши ва унинг жадаллиги баҳоланди. Бунда 5 балли тизимдан фойдаланилиб, оғриқ умуман сезилмади – 5 балл, енгил, чидаса бўлувчи оғриқ – 4 балл, кучли оғриқли – 3 балл ва ўта кучли, бемор аҳволи ёмонлашишига олиб келган оғриқ ҳисси 1-2- балл билан баҳоланди. 1- ва 2- назорат гуруҳларида яъни кюретка билан биопсия олинган беморларда оғриқ кучли ва ўта кучли, ҳатто бемор аҳволи ёмонлашишига олиб келган оғриқ ҳисси мос ҳолда $3,32 \pm 0,13$ балл ва $2,62 \pm 0,11$ баллни ташкил қилган бўлса ($P < 0,05$), асосий гуруҳларда Pipelle урогенитал зондини ёрдамида биопсия олганда эса мос ҳолда $4,95 \pm 0,55$ ва $4,92 \pm 0,71$ баллни ташкил қилди, яъни беморлардаги оғриқ ҳисси умуман сезилмади ва енгил, чидаса бўлувчи оғриқ ҳислари мавжуд бўлди.

Хулоса: Хулоса қилиб айтганда ушбу тадқиқотимизда бачадон эндометрийсидан биопсия олишнинг икки хил усули, яъни кюретаж ва Pipelle-урогенитал зонди

ёрдамида биопсия олиш усуллари хамда олинган натижаларни солиштириш орқали эндометрий турли патологик жараёнлари диагностикасида аҳамиятини, ҳар бир усулнинг афзалликлари ва камчиликларини ўргандик. Pipelle-урогенитал зонди нисбатан қулай, кам асоратли, ноинвазив ва энг асосийси оғриқсиз ва беморлар ҳаёти учун хавсиз усул эканлиги тадқиқотимизда ўз тасдиғини топди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Atakhanova N.E., Abdinazarova I.S., Tursunova N.I. Modern Methods of Early Detection of Endometrial Cancer on the Example of “Pipelle” Urogenital Probe // International Journal of Pharmaceutical and Bio Medical Science. - 2021. – V.1(5). – P.38–42. <https://doi.org/10.47191/ijpbms/v1-i5-01>
2. [Diagnostic and Operative Hysteroscopy](#), Guyer, C., Rajesh, S., & E. Connor, M. Anatomy and physiology of Uterus. In M. Connor & T. Clark (Eds.) DOI: <https://doi.org/10.1017/9781316276020.002> [Opens in a new window] Publisher: Cambridge University Press. Print publication ear: 2020. pp. 6 – 19.
3. M.D. Dacco', A. Serranito, P. Petrakis, M. Mohamed, M. Moustafa, I. Tsimpanakos & A. Magos (2012) A new technique to biopsy both horns in a septate or bicornuate uterus, Journal of Obstetrics and Gynaecology, 32:1, 100-101, DOI: [10.3109/01443615.2011.621559](https://doi.org/10.3109/01443615.2011.621559)

